

Партия турмуши: съезд белгиланган йўлдан

КОММУНИСТ МАСЪУЛИЯТИ

Қаранг, орадан қанча йиллар ўтди, не-не ўзгаришлар содир бўлди, заводда, цехда қанча одам келиб-кетди. Оддий камсуқум Дмитрий эса ўша-ўша дастлаб иш бошлаган цехидан кетишга сира кўзи қиймади. Уни «катта маош»лар ҳам, енгил ишлар ҳам, «ёғлиқ жойлар» ҳам қизиқтирмади. У битта нарсага қизиқди, холос: ҳалол, оғир, чидамли меҳнатчи! Бошқа «йўлларга» қалтирганлар ҳозир Дмитрийга ҳавас қилишадди: ўзини олдирмаган! Ҳолбуки орадан йигирма йилдан зиёд вақт ўтган. Ҳозир у бутун республикада таниқли ишчи, коммунист. Бригада етакчиси ўн саккизлаш ташаббускорларидан бири сифатида эълорганга танилди.

Дарвоқе, ўн саккизлаш ташаббуси ҳақида.

Бир куни Д. Атамановни корхона партия комитетига тақлиф қилишди (У партком аъзоси эди).

— Ўн биринчи беш йиллик мўдлатидан олдин, май ойида бажарибсиз. Кўрсаткичларингиз ҳаммаганидан яхши. Партия XXVII съезди шарафига мамлакатда ташаббус билан чиқиш-япти, жуда ажойиб ишлар бўляпти...

Партком секретари ва бюрос аъзолари ташаббус унинг ўзидан чиқишини кутишарди. У оғир, бошиқ, сермуло-

ҳаза йигит эди. Ҳаммасини чўтга солиб кўрди. Иқтисодий ҳисоб-китобга «шўнғиди». Ҳозир ўша ҳисоб-китоблар нақадар тўғрилигини ҳаёт исботлади. Д. Атаманов рекордди нормага айланганди. Планга қўшимча қўйлаб маҳсулотлар тайёрлади. Бригададаги 23 кишининг байрат-шижоати билан терим машиналарининг рамалярини пайванд қилиш бўйича ойлик топшириқларга қўшимча яна 70—80 тадан рама тайёрланди. Икки кун эса фақат тежалган хом ашё ҳисобига ишланди.

Биз юқорида кўпнинг кишилик коллективнинг биргина аъзоси — коммунист, эндиликда эса ўйлаб шондорлар муборакбўйди. Дмитрий Атаманов ҳақида ҳикоя қилдик. Ҳақиқий коммунист ана шундай бўлади. Завод партия комитетининг секретари Шавкат Сайёзов билан корхона фахри бўлган коммунистларнинг етакчилиги роли ҳақида, уларнинг ҳозирги кунларда, яъни партия XXVII съезди қарорларини амалга ошириш, ишда бўрилиш ясашга қизғин қиринилган кезларда олиб бораётган фаолияти тўғрисида суҳбатлашдик.

У Раҳматилла Тўраев, Ольга Карпова, Юрий Степаненко ва бошқа сўзи билан иши бир коммунистларнинг фахри билан тилга олди. «Станок ёнида ёки йиғув

линиясида ишлаётган ишчиларнинг ҳам ўз иш услуби бор, — деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Тольятти шаҳри меҳнатнашлари билан учрашувда сўзлаган нутқида. — Бу услубни яхшилаш — ишга муносабатини яхшилаш, ҳар қандай пала-партишликдан, ҳўна-кўрсинчиликдан, кўзбўямачиликдан халос бўлиш мақдир. Бу — ишни гўхта-либ туришни, муҳокама қилишларни камайтириб, кўпроқ ҳалоллиқни, тадбиркорликни, ишга эътиборини кўчатириш зарур демакдир. Айтиш мумкинки, бошқалар учун эмас, ўзини учун, умидли мақсад учун, совет кишилари яхшироқ яшашлари учун шундай қилиш керак». Партия XXVII съезидан кейин партия ишини тубдан қайта қуриш ҳар бир партия ташкилотига талабчанлик ва масъулият тўғрисида ошир-етишнинг янги, таъсирчан ўзгаришларни излаб топшиш, етилган муаммоларни ҳал этишнинг янги, таъсирчан ўзгаришларни излаб топшиш — диққат марказида турибди. Бунда энг аввало коллективнинг етакчи кўчи бўлган коммунистлар, бевосита станок ёнида ёки йиғув линиясида ишлаётган ишчиларнинг шахсий амунаси гоёмумим роль ўйнайди. «Ташаббус» заводи партия комитети туб бўрилиш босқичида бунга алоҳида эътиборни қаратапти.


Шу ўринда цех партия

ташкилотларининг жанговарлигини ва ташаббускорлигини ошириш нақадар зарурлигини татқиқлаб ўтишни истардик. 15-цех партия ташкилотининг секретари, Ҳамза раён партия комитети бюросининг аъзоси Юрий Степаненко, 33-цех партия ташкилотининг секретари Зиёд Каримов, 3-цех партия ташкилотининг секретари Ҳусан Хошимов ва бошқа етакчилар ҳақида илқ сўзлар айтиш мумкин. Улар бутун кунда ишда кўпроқ конкретликка, ҳамма нарсани ўз номи билан аташга интилоқдалар. Бу цехларнинг ҳар бирида ўртача 30—35 коммунист бор. Партком аъзоси А. Эшонхўжаев, Л. Зотова сингари актив коммунистлар сўзд қарорларини конкрет ишларда амалга ошириш учун жонбозлик кўрсатишди. Масалан, биз номи тилга олиб ўтган Раҳматилла Тўраев етакчилиги қилаётган бригада авваллари корхонада қолоқ ҳисобланарди. Аммо ушшоқлик, ташаббускорлик, қатъий интизом унинг бригадасини илгорлар сафига олиб чиқишга ёрдам берди.

Корхона партия комитети съезидан кейин ўзларидан бошланган катта ва мураккаб ишни қатъий ва изчил давом эттиряпти. Аммо ҳали бу борада ишлар силлиқ борапти, деб бўлмайти, албатта. Ҳали партия комитети партиянинг раҳбарлигининг

ва таъсир кўрсатишининг шайл ва методларини қайта кўриб чиқмаган, ҳамон эски-часига иш олиб бораётган участкалар йўқ эмас... Партия комитети асосий эътиборни иш самардорлигини ва сифатига қаратиб, тўғри иш қилишмоқда. Бу ерда айниқса сифатини яхшилаш учун кўпгина тadbирлар қўйилди. Маҳсулот сифатини баҳолашнинг беш балли классификатори ишлаб чиқилгани ҳам, бригада усулини тақомиллаштиришнинг комплекс плани жорий этилаётгани ҳам, «Сифат маркази» ташкил қилинган ва бошқа тadbирлар яхши самара беряпти. Коммунистлар, барча ишчилар ҳалол ва сифатли меҳнат қадрланаётганини кўриб туришди. Уртоқ М. С. Горбачев съездин ёпиш чоғида сўзлаган нутқида, съезд «партиянинг фаолиятига, бутун мамлакат ҳаётига юксак аҳдқоий, маънавий руҳ бахш этди» деган эди. Партия комитетининг биринчи балдаги бурчи съезд моҳияти ва руҳини ҳар бир цех партия ташкилоти ва ҳар бир коммунистга, ишчи сингидириш, сўз ва иш бирлиги қатъий амал қилиш, коллективни бунёдкорона ва ҳалол меҳнат қилаётган фидоий коммунистлар, оддий ишчилар тимсолида юксак аҳдқоий-маънавий руҳда тарбиялашдан иборат.

Ҳ. ИКРОМОВ.



«Ташаббус» заводида кўйлаб комсомол-ёшлар меҳнат қилишди. Улар КПСС XXVII съезди қарорларини амалга оширишда коммунистлар билан биргаликда елпикама-елка турбиди фидоикорлик кўрсатишди. СўРАТДА: йиғув цехининг илгор ишчилари Д.Атаманов ва Раҳман Адамовлар «зағорки кема» агрегатининг йиғишмоқда. Улар кунлик топшириқларини ортиги билан а до эйтишди. Т. Каримовга фотоси.

Хушхабарлар

Тошкент тўқимачилик комбинатинда газламаларнинг янги турларини ишлаб чиқиш жадаллаштирилди. Бу ерда ассортимент бўлими ташкил этилди. Бўлим мутахассислари харидорларга манзур бўладиган ўзинга хос газламалар ишлаб чиқаришга ҳозирлик кўрмоқдалар. Шу кунларда ишлаб чиқариш мўлжалланаётган янгиликлар орасида маркнет, миталь, сатин, кўйлақлик газламалар бор.

Тошкент яқиндаги геология-разведка экспедициясининг биринчи пармалаш бригадасида чиқиндилардан ишлаб чиқаришда фойдаланила бошланди. Лойсимон қорималар тайёрлашда бу ерда қиммат турадиган химреагент ўрнига капролактам чиқиндилари қўлланила бошлади. Бригада аъзоси Н. Шоусмоновнинг тақлифи пармалаш самардорлигини анча ошириш, бутун жараёни арзонлаштиришга ёрдам берди. Фақат бригаданинг ўзида янгиликни жорий этишдан олдинги иқтисодий самара 500 сўмдан ошиб кетди.

[ЭТАГ].



Кейинги йилларда Космонавтар проспекти янада чирой очиб кетди. Бу ерда қатор маданий-маиший объектлар билан бир қаторда, мезморчилик жиҳатидан ўзинга хос бўлган оригинал турар жой бинолари ҳам қад кўтармоқда. Ушбу суратда нигоҳингизга ҳавола этилаётган 16 қаватли экспериментал уй фирмизнинг далилидир. Яқинда қурувчилар макур уйни ҳамшаҳарларимизга ҳада этдилар. СўРАТДА: шахримизда ягона кўринишга эга бўлган экспериментал уйнинг ташқи кўриниши. Ш. Ҳазраткулов фотоси.

Атеистик тарбияга— муҳим эътибор

Собир Раҳимов район партия комитети қўшида аҳоли турмуш маданиятини ошириш совети ишлаб турибди. Кўпчилик бошланғич партия ташкилотларида илмий-атеистик ишлар бўйича советлар ташкил этилган.

Атеистик тарбия масалалари вақти-вақти билан муҳокама этиб борилапти. Бунда партия ва комсомол ўзунини, озгани сиёсий агитация, лекция пропагандаси ва бошқа воситалардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилинапти.

Атеистик пропаганда партия ва меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илгорлари кең жалб этиляпти. Меҳнат коллективлари ва ўқув юртыларида илмий атеизм ҳақда университетлари, лекторийлар ташкил этилган. Район «Билим» жамаияти ташкилоти қўшида илмий-методик секция ишлаб турибди. Унга В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети профессор И. Жаборов етакчилиги қилмоқда. «Билим» жамаияти лекторлари савол-жавоб кечалари, қизиқари суҳбатлар ўтказишди. Агар ўзларини йили илмий атеизм маззуларидан 300 дан зиёд лекция ўқилган бўлса, бу йил лекциялар сонини кўпайтириш билан бирга, уларнинг мазмуни янада бойитишга ва таъсирчан қилишга эътибор қаратилляпти.

Аҳоли турар жойларида

Районнинг аҳоли турар жойларида атеистик ишга эътибор кучайтирилляпти. Айниқса Беруний, А. Набиев номидаги, «Янги Тошкент», «Правда» ва бошқа маҳаллаларда кўпгина қизиқари тadbирлар ўтказилмоқда.

Аҳоли турар жойларида атеистик ишлар аҳоли турли гуруҳларининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда олиб боришмоқда. Айниқса хотин-қизлар ва пенсиялар ўрғасида олиб борилаётган ишлар жонлангирлиги юборилди. А. Набиев номидаги, «Эркин», «Янги ҳаёт» маҳаллалари қўшидаги хотин-қизлар советлари муваффақиятли иш олиб бориляпти. Маҳаллаларда партия ветеранлари, Эрта Османов Совет ҳолиятининг мустахкамлаш учун курашда фаоллик кўрсатган кишилар билан учрашувлар уюштирилляпти. Тантанали суратда паспорт топшириш, комсомол-ёшлар тўйлари, меҳнат байрамлари ва бошқа тadbирлар ҳам аҳолини янги аънааналар руҳида тарбиялашга хизмат қилляпти.

«Нукус» кинотеатри коллективни ва бошқа жойлардаги муассасалар аҳолини янги аънааналар руҳида тарбиялаш ишга ўз муносиб ҳиссаларини қўшишляпти. Бу ерда партия ва давлатимизнинг таниқли арбоблари, революция ва уруш, меҳнат қахрамонлари тўғрисидаги бадий ва ҳужжатли фильмлар намойиш этиб бориляпти. Беруний номидаги ва «Янги Тошкент» маҳаллаларида хотира бурчаклари ташкил этилган. Аҳоли турар жойларида олиб борилаётган ишларни партия XXVII съезди талаблари асосида янада юқори савияга кўтариш вазифаси турибди. Лекция пропагандасини янада жонлангирлиги бўйича ҳам қизиқари тadbирларини амалга ошириш мўлжалланган.

ДУНЁ ХАВАРЛАРИ

Хотин-қизлар конференцияси

● НИКОСИЯ

Бу ерда «Умумий меҳнат федерацияси»га кирувчи ишлаётган хотин-қизлар касабаси олтинчи Умумий конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда 400 дан кўпроқ делегат қатнашди. Касабаси марказий бюросининг секретари М. Ванезу конференцияда доклади қилиб, хотин-қизларнинг

ўз ҳуқуқлари йўлида олиб бораётган кураши тинчлик, кўрсатилгани, ядровий куролни тақиқлаш учун, термомоядро фалокати хавфига қарши кураш билан чамбарчас боғлиқ эканини таъкиқлади. Кипр хотин-қизлари, деб ўқитди у, фақат тинчлик шартинидагина баббаравар меҳнат учун, баббаравар ҳақ тўлашни учун, оналарини муҳофаза қилиш

ва ҳар қандай туғурдаги камситишни тутатиш йўлида муваффақиятли кураш олиб боришлари мумкин.

● БАЙРУТ

Кеча номаълум шахслар гарбий Байрутдаги телевизион марказ биносини гранатометлардан ўқиб тугдилар. Шундан кейин отишмалар шаҳарнинг деярли барча районларига тарқалди. Маҳаллий радиостанцияларнинг хабар беришича, қурбонлар бор. Тўқнашувлар бугун эрталабга келиб ўтхатилди. Бироқ вазият кескинликча қолмоқда.

Исроиллик агрессорлар ва уларнинг кўйроқ «жанубий Ливан армияси»даги гумашталари ливанлик ватанпарварларнинг муваффақиятли ҳаракатлари натижасида ўз аскарлари ва техникасини талафот бердилар. Партизанлар Захла, Зуммария, Аби-Кимха, Бурга, Адеиса райониде интервенциялар ва коллаборационистларнинг позициялари ва постларига ҳужум қилдилар.

Конференция қатнашчилари хотин-қизлар дуч келаятган социал ва иқтисодий проблемаларни батафсил муҳокама қилдилар. Уш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлидаги ҳаракат режасини белгилаб олдилар.

● ЛОНДОН

Бу ерда расмий й визит билан келган Хитой Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари Ху Яобан Буюк Британияни бош истрини Маргарет Тэтчер билан учрашди. Ҳабабар қилинишича, суҳбат давомида Англия — Хитой муносабатларининг ҳозирги аҳоли ва уни ривожлантириш истиқболлари билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

● ТОКИО

Япониядаги Хонсю ва Хоккайдо оролларида икки соат оралиғида зилзила бўлди. Метеорология бошқармасининг маълумотларига қараганда, ер силкинишининг кучи Японияда қабул қилинган 7 балли шкала бўйича 1 баллга етган. Қурбонлар ва вайронгарчиликлар ҳақида хабар берилмади.

● ГАВАНА

Ямайка жала оқибатида кучли сув тошқини рўй берди. Натияжада 50 киши ҳалок бўлди, юзлаб оилалар бепанаснас қолди. Қариб бешнасан оролда жойлашган

Тэтчер Ху Яобан билан учрашди

Ливандаги вазият

Ер юзидаги табиий офатлар

● БОНН

Франкфурт шаҳридаги «Азг-телефункен» электротехника концернининг тақиқот маркази территориясида катта ёнғин чиқди. Оқибатда лаборатория ва маъмурий бино вайрон бўлди. Бахтли тасодиф тўғрисида одамларга шикаст етмади. Концерн вакилининг гапларига қараганда, ёнғин оқибатида камиде ўн миллион маркалик зиён қилинди. Ёнғин сабаблари аниқланмоқда.

● ПАРИЖ

Жазирама оқибатида Франция жаубуядаги Лозер, Бушдюрон департаментларида ва Корсинида бир қанча районларда қатғат ёнғин чиқди. Лозер департаментиде 50 гектардан ортиқ ўрмон

гаган ана шу унча 1 қатта булра-тадбирларга қарамай, қатор районларда ёнғин давом этмоқда.

Иш вақтининг қадри

Лаҳзаларга лоқайд қараманг

«Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси» бадий фильмида ана шундай қўшиқ бор. Рейд бригадаси бўйича меҳнат иттизомоти аъзага ўтказган рейдлари давомида иш вақтининг қўйлаб йўқотилаётганини ва бу лаҳзалар соатларини ташкил этаётганлигини шоҳиди бўлишди.

Ҳаммаизга маълумки, «Хизматчилар учун кириш жойи» ёки «Бегоналарнинг кириши мумкин эмас» деб ёзиб қўйилган тахтачалар фақат ўша корхоналар ва идораларнинг ишчиларига эмас, ҳаммага тааллуқлидир. Бироқ, 2-қорақамши массивидаги 5-микрорайонда жойлашган «Қорақамши» университетининг 77-дорихонада бунга риюя қилишмас экан. Бу ерда етти ёки бегоналар ҳам худди ўз уларига киратгандай хизматчилар кириб-чиқадиган жойдан фойдаланишар экан. Бунга университетнинг қўшимча хонасида эрталаб соат 10 да 23-болалар уйининг хизматчиси В. Отовани ўша ерда учратганимизни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Дорихона мудир Исамухамедова хизмат жойида бегоналар бўлмаслигини тушутиришга ҳар қанча уринмайлик, беҳуда бўлди. Унга бу гапимиз ёқмагани етмаганидек, рейд бригадаси аъзоларини жерикб ҳам ташлади.

1-қорақамши массивининг 4-микрорайонидеги «Ичкиликлар» деб аталган магазин аҳолида катта қизиқини уюлган. Бу ерда ҳар кил соҳабдаги кишиларнинг учратини мумкин. Мисол учун иш вақтида, соат 15.00 дан 30 минут ўтганда магазинга 4-йирик панелли узоқлик заводининг пайвандчиси В. Криворот «ташир» буорди. Ана шу вақтда 127-автомарга қарашли оғир ку кўтарадиган «МАЗ» машинаси (номери 09—77 ТНФ) ҳайдовчиси С. Жўраев спиртли ичимлик хариб қилгани кириб келди. Шунингдек, магазин атрафида 1-қорақамши массивининг 4-микрорайонидеги 3-ўй, 6-

квартирада яшовчи Т. Орифжон, 10-ўй, 47-квартирада истиқомат қилувчи А. Қоидир, 13-ўй, 2-квартирада яшовчи А. Содқовлар бе-корчилиқдан, ҳеч нарсани қилмасдан санжир юришарди. Текширишлардан шу нарсани маълум бўлдики, уларнинг ҳаммаси ҳам икки ойдан бери ҳеч қандай ишлашмас экан. Собир Раҳимов район уй-жойлардан фойдаланиш ишлаб чиқариш трести раҳбарлари, жамоатчилик ва район ижроия комитети иттидилар ишлар бошқармаси бу ҳақда ўйлаб кўришлари керак.

Иш вақтида— иш. Бизнинг бу фикримизга Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги автобазасига қарашли 55—62 ТНА номерли «Волга» машинаси шофери Х. Алиев қўшилмади. Соат 10 дан 30 минут ўтганда бу ҳайдовчи Студентлар шаҳарчасидаги маиший хизмат уйига кириб хизматчи хизматидан фойдаланмоқчи бўлди. Биз унинг бу ерда пайдо бўлишини сўраганимизда «Бўш вақтимдан фойдаланмайман» деб баҳона қилди. «Главташкентстрой»нинг 54-механизация бошқармаси коллективининг бир-бири билан жуда иноқлигини қўйидаги фактдан ҳам билиб олиш мумкин. Бошқарма ҳайдовчиси Е. Клименко «МАЗ» маркали 17—56 ТШЕ машинада маиший хизмат уйининг сурат оладиган бўлиғига бир гурупа хизматчиларни олиб келди. Улар коллектив бўлиб суратга туширишмоқчи бўлишди. Негадир эсдалик учун суратга тушириш иш вақтида бажаришмоқчи бўлишга илтимом бизни жуда ажаблантирди.

Фақат меҳнат иттизомининг буғишона эмас, айни иш пайтида ишлаб чиқариш иттизомини бузиш каби ҳоллар ҳам содир бўлмоқда. Бунга маиший хизмат ва савдо хондларининг баъзилари йўл қўйишмоқда. Рейд иштирокчилари томонидан ўтказилган текшириш-

ларда Собир Раҳимов район ишчиотрога қарашли савдо шохобчаларида, ошонкалар трестининг объектларида, улгуржи-чакана савдо идораларида меҳнат иттизомоти бузилаётганининг шоҳиди бўлишди. Худди шундай аҳолига Октябрь районида ҳам дуч келинди.

Собир Раҳимов районидеги 2-қорақамши массивининг 1-микрорайонидеги жойлашган 36-магазинда нархи ёзилмаган рагу сотуви томонидан эмас, қодоқловчи И. Раҳматов томонидан сотилган. Ана шу районида 2-ошонкада нархи ва фактураси бўлмаган қаймоқчи сотишган. Бош ошпаз В. Токмечов иш жойида халатсиз савдо қилган. Овқат тайёрланадиган цех эса антисанитария ҳолатида.

Собир Раҳимов район улгуржи-чакана савдо идорасига қарашли 1-магазин (магазин мудир Калоян) рейд қатнашчилари текшириш ўтказган кун магазин хизматчиларининг ҳаммалари ўтириб, овқатланишга вақтга дуч келишди. Сараловчилар иштага билан овқатланишга вақтда ичкаридан пештахталарга қўйилмаган жуда кўп микродоранг картонкаларни кўрдик. Улар бизни кўриб 1-ошборхонадан келган ва яриб кетган нам болринларини саралашга тушиб кетишди. Магазин пештахталарида жуда кўп микродоранг қўриқини иўқотган консерваланган маҳсулотлар ўрин олган.

Ажабланирлики шундаки, эртасига яна шу магазинга келган бошқа рейд бригадаси аъзолари бу ерда ҳеч қандай ўзгариш рўй бермаганини қўришди. Бу ерда, 2-қорақамши массивининг 1-микрорайонидеги жойлашган кафе-ошонка буфетчиси Э. Петросян, Арманистондан келган меҳмонини учратди. Ҳар килограмми 18 тингидан турадиган қалқондан картонканинг фақат соат 15 дан кейин сотилишини эътибди, ҳайрон бўлди. Район улгур-

жи чакана савдо идорасини раҳбарлари бу камчиликлардан қандай хулоса чиқаришди. Бизнингча ҳеч қандай.

Собир Раҳимов район ишчиотрога қарашли 30-магазиндаги турлиқ овқатга 15 минут олдин чиқишди. Рейд қатнашчиларининг «Нега бундай қилинган?» деб берган саволларига санитария-эпидемиология хизматидеги раҳбарлар жавобини олдишди. Бу ерда пашшаларга қарши ҳар хил дорилар сепилди. Аммо битта «майда» ишни эсдан чиқаришган эди. У ҳам бўлса сариеъ ва сўт маҳсулотларни устиде дока билан ўраб қўйишни унуттишган эди.

Октябрь районидеги Навоий кўчасида жойлашган савдо шохобчаларида иш вақтининг текшириш рейд қатнашчилари қўйидаги фактларга эътибор берилди. Улгуржи-чакана савдо идорасига қарашли 11-магазиннинг беш хизматчиси ишга «атни» 45 минут кеч келишди. Район ишчиотрога қарашли 25-магазиннинг уч хизматчиси эса ишга 15 минут кеч қолди.

Хизмат кўрсатиш соҳасини тақомиллаштириш ва кенгайтириш керак. Бу партияимизнинг кейинги даврдаги барча ҳужжатларида аниқ кўрсатиб берилган. Бизнинг қайфиятимиз ҳамда хизмат қилишимиз дам олишимизга жуда ҳам боғлиқ. Шунинг учун ҳам айрим раҳбарларнинг бу хилдаги нуқсонларни араимайдиган иккир-чирлар эмас, аксинча жиддий қоида бузишдир. Бунинг учун уларни тўла масъулият билан жавобгарликка тортиш лозим.

Рейд бригадаси аъзоларининг топшириғига буюнган мақола «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг мухбирлари Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ, В. ЭНКЕР тайёрлашди.

Ер юзидаги табиий офатлар

● БОНН

Франкфурт шаҳридаги «Азг-телефункен» электротехника концернининг тақиқот маркази территориясида катта ёнғин чиқди. Оқибатда лаборатория ва маъмурий бино вайрон бўлди. Бахтли тасодиф тўғрисида одамларга шикаст етмади. Концерн вакилининг гапларига қараганда, ёнғин оқибатида камиде ўн миллион маркалик зиён қилинди. Ёнғин сабаблари аниқланмоқда.

● ПАРИЖ

Жазирама оқибатида Франция жаубуядаги Лозер, Бушдюрон департаментларида ва Корсинида бир қанча районларда қатғат ёнғин чиқди. Лозер департаментиде 50 гектардан ортиқ ўрмон

гаган ана шу унча 1 қатта булра-тадбирларга қарамай, қатор районларда ёнғин давом этмоқда.

Тэтчер Ху Яобан билан учрашди

● ЛОНДОН

Бу ерда расмий й визит билан келган Хитой Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари Ху Яобан Буюк Британияни бош истрини Маргарет Тэтчер билан учрашди. Ҳабабар қилинишича, суҳбат давомида Англия — Хитой муносабатларининг ҳозирги аҳоли ва уни ривожлантириш истиқболлари билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

● ТОКИО

Япониядаги Хонсю ва Хоккайдо оролларида икки соат оралиғида зилзила бўлди. Метеорология бошқармасининг маълумотларига қараганда, ер силкинишининг кучи Японияда қабул қилинган 7 балли шкала бўйича 1 баллга етган. Қурбонлар ва вайронгарчиликлар ҳақида хабар берилмади.

● ГАВАНА

Ямайка жала оқибатида кучли сув тошқини рўй берди. Натияжада 50 киши ҳалок бўлди, юзлаб оилалар бепанаснас қолди. Қариб бешнасан оролда жойлашган



Бу суратда Кобулдаги «Ватан» болалар уйининг тарбиялувлари акс эттирилган. Бу болаларнинг ота-оналари Вашингтон маъмурияти очик-ойдин ёрдам бераётган душманлар қўлида қурбон бўлганлар. «Ватан» болалар уйида имперализм ва реакция Афғонистонга қарши олиб бораётган эълон қилинмаган урушнинг қурбонларидан қолган етимлар боши силанмоқда. Педагоглар болалар атрафида пврона бўлишмоқда. Болалар меҳнат ва ўқув тайёрланишдан ўтишмоқда. Бу Афғонистон Халқ Демократик партияси ва Афғонистон Демократик Республикасини ҳуку матининг ўсиб келаятган авлод тўғрисида қилаётган галмўрлигининг ёрқин намунасикидир. ТАСС фотохроникаси.

Мексика кундалиги

ФУТБОЛ ВА ВАВИЛОННИ



таасиротлар ҳақида жажон биринчилиги «саралаш» матчи...

Мексика шу кунларда турли тилларда сўзлашадиган футбол...

ша терма командаларнинг имкониятларини қизғин муҳо...

хуқуқини берувчи икки йўл-лама учун кураш асосан...

хос дўстона вазиятда ўтишига таваллуқидир. Афсуски, одам...



Кези келганда шуни айтиш керакки, уч матчни дадил ўт...

XIII жаҳон чемпионатининг финал ўйинлари шу кунларда...

набатдаги матчи пайtida Мексика кўчаларида ҳеч қандай...

вишланмоқдалар. «Эль Насиональ» газетасининг хабарлари...

Аммо айни пайtda Мексика стадионларида футбол ишқи...

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15/VI/81 Уйқудаги гузал.

КИНО

14 ИЮНДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР: «УДДАБУРОН» (18.30, 21.00); Ватан (18, 21.00); Нуккус (18.30, 20.45); Москва (19.30, 21.00); «ИККИ ЕҚЛАМА К ҚОПҚОН»...

15 ИЮНДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР: «УДДАБУРОН» — Чайка (11, 13, 30, 16, 18.30, 21.00); Ватан (12, 15, 11.18, 21.00); «ИККИ ЕҚЛАМА ҚОПҚОН»...

Редактор Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

реклама ЭЪЛОНЛАР реклама

ЭЛЕКТРОНИКА Радио ҳаваскорлар! СИЗЛАР БИЗНИНГ «ЭЛЕКТРОНИКА» МАГАЗИНИМИЗДА...

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМИДА...

Аёлларга ярашади НАМАНГАН ПОБАВЗАЛ ФАБРИКАСИ...

ЦИРК ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Москва «Муз устида цирк»...

ТОШКЕНТ РЕСПУБЛИКА ОТЧОПАРИ 15, 22, 29 ИЮНЬ, 6, 13, 20, 27 ИЮЛЬ, 3, 10, 17, 24, 31 АВГУСТ...

ЎЗБЕКИСТОН ТУРИЗМ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР РЕСПУБЛИКА СОВЕТИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ...

Сотиб олишингиз мумкин ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНИЛ САОАТ МИНИСТРЛИГИ...

178-(37) ШАҲАР ҲУҶЖАЛИК-РАЙОННИНГ ЭҒАЛААРИГА «ЭЛЕКТРОНИКА»...

ТАКЛИФ ЭТАМИЗ МУСОБАҚАЛАР ПРОГРАММАСИ: АНЪАНАВИЙ ВА БОШҚА ТУРЛИ СОВРИНЛАР УЧУН...

«0-65» телефони шарофати АГАРДА СИЗ «ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИ УС-ТАЛАРИНИ...

Ҳаммаси спорт учун «Ўзбекистон» фирма савдо бирлашмасининг 7-МАГАЗИНИДА...

ТОШКЕНТ ШАҲАР ОКТЯБРЬ РАЙОНИДАГИ 167-ЎРТА МАКТАБ ТОМОНИДАН...